Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 95 (5086).
28 АПРЕЛЬ 1983 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЗАФАРЛАРИМИЗ—1 МАЙГА!

Коммунистлар! Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети май ва ноябрь Пленумларининг тарихий қарорларини бажариш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

АПРЕЛЬ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ

ҚОБУЛ, 26 апрель. (ТАСС.) Бугун бу ерда Апрель революциясининг беш йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Б. Кармал, АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, дўст мамлакатлар делегацияларининг бошлиқлари йиғилиш президиумига чиқадилар. Булар орасида Совет партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бор эди.

Б. Кармал йиғилиш аҳли ҳузурида катта нутқ сўзлади. Апрель революцияси, деди у, афғон халқи олдида тараққиёт ва равнақ йўлини очиб берган қонуниятли воқеа бўлди. Афғонистон халқ демократик партиясининг чуқур социал-иқтисодий ислоҳотларни ўтказишдан иборат бош йўлини меҳнаткашлар оммаси қўллаб-қувватламоқда. Партия революцияни ҳимоя қилиш ва халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш ишида жамиятнинг раҳбар кучи сифатидаги ролини тобора муваффақиятли бажармоқда.

Бизнинг сиёсатимиз ва курашимиз, деб таъкидлади Б. Кармал, дунёдаги барча тараққийпарвар кучларнинг, улуғ Совет Иттифоқи бошчилигидаги жаҳон социалистик системасининг интернационал мададига таянмоқда. Демократик Афғонистонга бераётган бебаҳо мадади учун Советлар мамлакатига чуқур ва самимий ташаккур изҳор этамиз.

Афғонистон раҳбари АДРга қарши эълон қилинмаган уруш олиб бораётган АҚШ бошчилигидаги империалистик доираларнинг сиёсатини кескин танқид қилди.

Шундан кейин сўзга чиққан Ш. Р. Рашидов Апрель революциясининг беш йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этишга таклиф этганликлари учун АХДП Марказий Комитетига, АДР Революцион Кенгаши ва ҳукуматига сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этди. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг топшириғига биноан сизларни ва сизлар орқали бутун эрксевар афғон халқини мана шу ажойиб миллий байрам билан астойдил, қардошларча муборакбод этишга ижозат бергайсиз, деди у. (Ш. Р. Рашидов нутқи газетанинг бугунги сонида эълон қилинмоқда).

Тантанали йиғилиш қатнашчилари Афғонистон халқига мурожаатнома қабул қилдилар.

Мурожаатномада АХДП ва АДР ҳукумати бундан буён ҳам дунёдаги илғор кучлар билан бирдамликни мустаҳкамлайверади, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашаверади, деб таъкидланади.

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи

Азиз ўртоқ Бабрак Кармал!

Муҳтарам ўртоқлар, дўстлар!

Даставвал Апрель революциясининг 5 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этишга таклиф қилганликлари учун Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетига, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион Кенгаши ва ҳукуматига самимий миннатдорчилигимизни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг топшириғига биноан сизларни ва сизлар орқали бутун эрксевар афғон халқини мана шу ажойиб миллий байрам билан астойдил, қардошларча муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов партиянгизга, бутун афғон халқига ўзининг шахсий қутловлари ва эзгу истакларини топширишни сўради.

Бутун дунё меҳнаткашларининг йўлбошчиси ва устози В. И. Ленининг «Россия иккала халқнинг бахт-саодати учун Буюк Афғон давлатининг доимо содиқ дўсти бўлиб қолади» деган сўзлари совет ва афғон халқларининг миннатдор хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди.

Бундан олтмиш йилдан ҳам кўпроқ вақт мutaддам ёзилган бу башоратли сўзлар бизнинг давримизда Совет—Афғонистон ҳамкорлигининг барча соҳаларида ҳар томонлама тасдиқланибгина қолмай, шу билан бирга сифат жиҳатдан янги, беқиёс зўр мазмун касб этди.

Совет кишилари 1978 йилнинг апрелида афғон ватанпарварларига биринчи бўлиб дўстлик ва ёрдам қўлини чўздилар. Ўшанда Халқ демократик партияси раҳбарлигидаги афғон ватанпарварлари халқнинг янги турмушга бўлган ҳоҳиш-иродаси ва азму қарорини ифода этиб чиркин ва манфур эксплуататорлик режимини ағдариб ташладилар. 7-савр қуролли қўзғолонининг ғалабаси Афғонистоннинг тарихий тараққиётида туб бурилиш бошланганидан дарак берди. Мамлакат революцион халқ демократик ислоҳотлар йўлига қатъий ўтиб олди.

Революция Афғонистонни равнақ топаётган замонавий давлатга айлантиришни ана шу ислоҳотларнинг пировард мақсади деб эълон қилди. Бундай давлат эксплуатация ва жабр-зулмдан, очлик ва касалликлардан, ишсизлик ва саводсизликдан, миллий ҳуқуқсизлик ва камситишлардан ҳоли бўлади. Революция тўғрисидаги хабар бутун мамлакатда астойдил шод-хуррамлик билан кутиб олганлигининг боиси ҳам мана шундадир.

Апрель революциясидан кейин ўтган 5 йил шуни яққол кўрсатдики, Афғонистон социал тараққиёт йўлидан, миллий, моддий ва маданий янгиланиш йўлидан комил ишонч билан бормоқда. Ўртоқлар, бу енгил ва қисқа йўл эмас, аммо бу йўл энг истиқболли ва энг тўғри йўл эканлигини революциямизнинг тажрибаси кўрсатиб турибди.

Ўтган йилларнинг қадимий Афғонистоннинг сиёсий қиёфасини тубдан ўзгартириб юборганлигини мамлакатимиз билан қайд этамиз. Мамлакатда содир бўлаётган чуқур жараёнлар халқнинг мудраб ётган кучларини уйғотди. Халқ соғлом кучларининг айни шу манбаи революциянинг щитоб билан ривожланишини таъминлайди, барча қийинчиликлар ва мушкулликларга қарамай илғор ислоҳотлар муқаррарлигини гарантиялайди.

Революция йиллари мобайнида эса талайгина ишлар қилинди. Афғонистон Халқ Демократик партияси билан халқ ҳокимияти мамлакатнинг минг йиллик тарихида биринчи бўлиб қишлоқ хўжалигида феодал ва феодализмгача бўлган ишлаб чиқариш муносабатларини тугатишга отланганликлари билан фахрланишга ҳақ лидирлар. 300 минг деҳқон оиласи ўзининг ер улушини олди. Қишлоқда кооператив ҳаракат тобора кенг кўлам касб этмоқда. Дастлабки машина-трактор станциялари ташкил этилди ва улар муваффақиятли ишламоқда.

Апрель революцияси Афғонистон ишчилар синфини эксплуатациядан озод қилди. Халқ ҳокимияти ишчи ҳамда хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш йўлини изчиллик билан ўтказиб келмоқда: иш ҳақи оширилди, уй-жойлар барпо этилмоқда, социал таъминот системаси такомиллаштирилмоқда, бепул медицина хизмати кенгайтирилмоқда.

Ёш ишчилар синфи меҳнатга янгича муносабат намуналарини кўрсатаётганлиги ҳам тасодифий эмас. Мамлакатдаги 130 та энг йирик корхонада (уларда 40 минг киши меҳнат қилади) Касаба союзлари марказий кенгашининг қарорига биноан Апрель революциясининг 5 йиллиги шарафига меҳнат мусобақаси ўтказилаётганлигини афғонистонлик ўртоқлар сўзлаб беришди. Биз совет халқи намояндаларига революция туфайли вужудга келган ана шу янгилик самараларини кўриш қувончлидир. Шу меҳнат мусобақасининг ғолибларини делегациямиз номидан қизғин ва самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Яна шунга қатъий ишонч билдиришга ижозат бергайсизки, меҳнатга янгича муносабатнинг муттасил кучайиб бораётган бу ҳаракати Афғонистон ишчилар синфини сиёсий ва ташкилий жиҳатдан чиниктиришнинг яхши мактаби бўлиб хизмат қилади. Афғонистон ишчилар синфи деҳқонлар билан иттифоқда янги давлат ҳокимиятининг асосий социал кучини ташкил этади.

Ишчилар синфининг синфий онги, меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги ривожланиб бораётганлиги 160 мингдан кўпроқ кишини бирлаштирган касаба союзларининг фаолиятида яққол ифодасини топмоқда.

Революция барча гражданларнинг социал мавқеидан, миллатидан, жинси ва динидан қатъий назар уларни тенг ҳуқуқлар билан таъминлади. Афғонистон тарихида биринчи марта хотин-қизларга эркаклар билан реал тенг ҳуқуқлар берилди. Диндор мусулмонлар ўзларининг диний урф-одатларини бемалол бажо келтириш ҳуқуқини олдилар, давлат мўътабар-уламоларга ҳомийлик қилмоқда, мачитлар тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда. Саводсизликни тугатиш учун умуммиллий кураш авж олдирилган.

Миллий ватан фронти кучга тўлиб бормоқда. Бу энг катта жамоат ташкилоти Афғонистон диёрида илғор ислоҳотларни амалга оширишда, революция ғалабаларини ҳимоя қилиш ишида актив қатнашмоқда. Миллий масалаларни давлат сиёсати бирлик, ватанпарварларча жипслик руҳи билан суғорилгандир. Бу сиёсат Апрель революцияси моҳиятининг ўзи билан белгиланади.

Ўртоқлар! Афғонистонда илғор ўзгартишлар жараёни империализм, гегемонизм ва реакция кучлари авж олдираётган эълон қилинмаган уруш шароитларида давом этаётганлигини яхши биламиз. Чет эллардан юборилаётган аксилинқилобчи тўдаларнинг қуролли ҳаракатлари мамлакат экономикасига жуда катта зиён етказди. Шундай бўлса ҳам, сизлар миллий ишлаб чиқариш даражасининг пасайиш тенденциясини бартараф этиб, экономикани барқарор қилиш ва ўстириш учун замин яратишга муваффақ бўлдингиз.

Аксилинқилобчиларга қарши кураш ҳал қилувчи босқичга қадам қўймоқда. Афғон халқи аксилинқилобчиларга узил-кесил барҳам бериб, ниҳоят, батамом тинч бунёдкорлик меҳнати билан, социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш билан шуғулланиш имкониятига эга бўладиган кун яқин эканлигига аминмиз.

Афғонистон жамияти кенг табақаларининг муҳтарам ўртоқ Бабрак Кармал бошчилигидаги ўз партия-давлат раҳбарларига ишончи ортиб бораётганлиги бугунги Афғонистон сиёсий иқлимини белгиловчи кўрсаткичидир.

Ўткир синфий курашга қарамай, революцион ҳокимият позицияларини мустаҳкамлаш ва АХДПнинг таъсирини кучайтириш жараёни муттасил давом этмоқда. Мамлакатда революцион жараённи янада чуқурлаштиришнинг бош сиёсий қуроли — халқ ҳокимияти тузилди.

Кейинги вақтларда вилоятлар ва уездларда АХДП раҳбарлигидаги давлат ҳокимияти органлари ўз позицияларини анча кенгайтирдилар. Қуролли кучлар, давлат хавфсизлиги органлари ва халқ милицияси (царандой) мустаҳкамланмоқда.

Революцияни ҳимоя қилувчи кўпдан-кўп кўнгиллиларнинг отрядлари аксилинқилобчи тўдаларга қарши курашувчи жангчиларнинг сафларига жалб этилмоқда. Бу эса халқ ҳокимиятининг социал негизи кун сайин кенгайиб бораётганлигидан, Афғонистонни революцион йўл билан янгилаш муваффақиятли давом этаётганлигидан далолат берувчи энг оддий намунали мисолдир.

Биз шуни мамнуният билан қайд этамизки, ўтган беш йил мобайнида Афғонистон Демократик Республикасининг ташқи сиёсий йўли каттагина муваффақиятлар билан нишонланди. Совет кишилари батамом революцион Афғонистон томонидадирлар, революцион Афғонистон барча тинчликсевар давлатлар билан тинчлик, миллий суверенитет, ўзаро ҳурмат, муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш сиёсатини ўтказиб келмоқда.

Афғонистон раҳбарларининг Эрон ва Покистон билан муносабатларни нормаллаштиришга қаратилган муҳим ташқи сиёсий ташаббуслари тўғрисида — Афғонистон ҳукуматининг 1980 йил 14 майдаги ва 1981 йил 24 августдаги баёнотлари ҳақида айтиб ўтмасдан бўлмайди. БМТ Бош секретарининг шахсий вакили Д. Кордовес воситачилигида Женевада ўтказилган Афғонистон — Покистон музокараларининг икки даврасидан кейин Афғонистон теварагидаги вазиятни сиёсий йўл билан бартараф этиш масаласи анча конкрет тус ола бошламоқда.

Ўртоқлар, дўстлар! Мана шу барча муваффақиятларга Афғонистон Халқ демократик партиясининг аниқ мақсадга қаратилган зўр фаолияти туфайли эришилди. Революциянинг беш йили мобайнида партия сон жиҳатдан анча ўсди. У оммавий партия бўлиб қолди, халқнинг энг яхши кучларини ўз бағрига олди. Унинг ташкилий ва ғоявий бирлиги мустаҳкамланди. Шу йиллар ичида партия Афғон жамияти ҳамда демократик давлатнинг этўроф этилган раҳбар ва раҳнамо кучига айланди. АХДП янги Афғонистонни барпо этиш, унинг шон-шарафини ички ва ташқи контрреволюция ҳамлаларидан ҳимоя қилишдаги кундалик амалий ишлари билан халқнинг ишончини қозонмоқда, ўзининг омма билан алоқаларини кенгайтирмоқда ва мустаҳкамламоқда, ўз кучини омма орасидан олмоқда.

Бугунги кунда биз партия ўзининг афғон халқи революцион кураши тажрибаси билан илмий социализм назариясини боғлаб олиб боришда, шунингдек афғонистонлик ўртоқлар КПССнинг, жаҳон революцион ҳаракатининг тарихий тажрибасини ижодий қўлланишда партия фаолиятининг ижобий натижалари тўғрисида гапиришга ҳақлимиз.

Революция йиллари мобайнида Совет—Афғонистон муносабатлари қардошлик ва революцион бирдамлик муносабатлари бўлиб қолди. КПСС билан АХДП ўртасидаги алоқалар доимо кенгайиб, янги мазмун билан бойиб бормоқда.

1978 йил декабрида мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган Шартнома СССР ва Афғонистоннинг миллий манфаатлари учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу Шартнома Афғонистон миллий суверенитети, территориал бутунлиги ва чегаралари хавфсизлигининг гарови, Апрель революцияси ғалабаларининг қалқони бўлиб қолди.

Совет ва афғон раҳбарларининг олий даражадаги мулоқотлари партияларимиз билан мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Иккала мамлакат раҳбарларининг учрашувлари ва суҳбатлари, ана шу учрашув ва суҳбатлар чоғида эришилган аҳдлашувлар халқларимиз дўстлиги йилномасига янги саҳифалар ёзмоқда, партияларимиз ва халқларимизнинг ҳар томонлама қардошларча алоқаларини янада мустаҳкамлаш йўлларини кўрсатиб бермоқда.

СССР билан Афғонистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик муваффақиятли равишда йил сайин муттасил ривожланиб бормоқда. Бу ҳамкорлик саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспортнинг ғоят хилма-хил тармоқларини, фойдали қазилмаларни разведка қилишни, миллий кадрлар тайёрлашни, соғлиқни сақлашни қамраб олган.

Ҳозирги вақтда Афғонистондаги қарийб 150 та объект Совет Иттифоқининг кўмагида барпо этилган ёки барпо этилмоқда. Амударё устига қурилган темир йўл-автомобиль кўприги мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликнинг чинакам тимсоли бўлиб қолди.

Биз бошқа Совет республикалари каби Ўзбекистон ССР ҳам Афғонистон қишлоқ хўжалиги ва саноатини юксалтиришга, унинг илмий ва техник кадрларини тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшаётганлиги билан фахрланамиз. Ўзбекистон ўзининг қўшнисига тракторлар, кранлар, гидропресслар, чигит сеялкалари, компрессор станциялари, пайвандлаш трансформаторлари ва бошқа маҳсулотларни етказиб бермоқда. Бизнинг чегара яқинидаги алоқаларимиз актив ривожланмоқда.

Мамлакатларимизнинг қалин ҳамкорлиги Афғонистон экономикасини юксалтиришга кўмаклашмоқда. Республиканинг социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлиги ҳам тобора кенгаймоқда. Афғонистон вакиллари Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашида кузатувчилар сифатида иштирок этаётганликлари Афғонистон халқ хўжалигини ривожлантириш суръатларини жадаллаштиришнинг муҳим омилидир. Халқаро империализмнинг Афғонистонни иқтисодий қамал билан бўғиб қўйиш режалари барбод бўлмоқда.

Афғонистонлик муҳтарам дўстлар!

Сизларнинг революциянгиз Америка империализми ўзининг қадимги ҳарбий устунлигини қайтариб олиш йўлидаги уринишларидан воз кечмаётган мушкул бир халқаро шароитда ривожланиб бормоқда. Жаҳонга ҳукмрон бўлиш ғўғисидаги хомхаёллар, озодлик ва тараққиётга нафрат океан ортидаги ҳозирги замон «салб юриши» ишқибозларига тинчлик бермаяпти. Айни шу боисдан урушга қарши оммавий намойишлар тўлқини баҳорги лиммо-лим оқим каби планетамизда мавж урмоқда. Халқлар қуролланиш пойгаси жиловланишини, ядро уруши хавфи бартараф этилишини, мустаҳкам тинчлик таъминланишини талаб қилмоқдалар. Халқаро хавфсизлик соҳасидаги ишларнинг аҳволи учун айни мана шу ташвиш бутун дунёдаги холис ниятли миллионлаб кишиларни актив ҳаракат қилишга ундамоқда. Афғонларнинг инқилобий диёрида ҳам тинчлик учун кураш тобора кенгаймоқда.

Сизларнинг байрамингиз билан Биринчи Май — меҳнат, тинчлик ва баҳор байрами орасида атиги бир неча кун бор, холос. Одамлар табиатнинг баҳорда гуллаб-яшнашидан қувонишар экан, келажакни умидворлик билан ўйлайдилар, улар ерни серқуёш ва тинч, ядро алангаларидан ҳимоя қилинган ҳолда кўришни истайдилар. Шу тантанали кунда миллионлаб кишилар империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашда қатъият ва бирдамликни намойиш қиладилар.

Шак-шубҳа йўқки, Афғонистон меҳнаткашлари ҳам шу кунни меҳнатда ва революция ғалабаларини ҳимоя қилишда янги-янги ютуқлар билан нишонлайдилар.

Ўз Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 80 йиллигини кенг кўламда нишонлашга ҳозирлик кўраётган совет кишилари АХДП раҳбарлигида революция миллий демократик босқичининг мураккаб вазифаларини сабот билан ҳал этаётган қардош афғон халқига самимий хайрихоҳлик билан муносабатда бўлмоқдалар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов қайд этиб ўтганидек: «Биз ҳозир ҳам озодлик, мустақиллик учун, ўз халқининг ҳаёти учун курашишга мажбур бўлаётганлар билан, агрессорнинг хуружини қайтаришга мажбур бўлаётганлар ёки агрессия ханфига дучор бўлиб турганлар билан қатъиян ва доимо ҳамдамдиз».

Афғонистонлик азиз дўстлар, совет кишилари бугун сизларни катта умумхалқ байрами билан муборакбод этиб, Ватан бахт-саодати йўлидаги бунёдкорлик ишларида сизларга янги-янги муваффақиятлар тилайдилар.

Яшасин Апрель революцияси!

КПСС билан АХДП ўртасидаги, Совет Иттифоқи билан Афғонистон Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги дўстона, қардошлик муносабатлари яна ҳам кўпроқ ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

ИЛҒОР ЁШЛАР БРИГАДАСИ

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг 28 та комсомол-ёшлар бригадаси «Ўн биринчи беш йилликнинг уч йиллик планини Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейигача бажарамиз» шиори остида меҳнат қилмоқда. Улар орасида корхона йиғув цехининг Н. Кравцов бошлиқ электромонтажчилар бригадаси ҳам бор.

Мазкур коллектив шу йил квартал якуни бўйича социалистик мусобақа пешқадами. Уч ойлик планни электромонтажчил а р 136 процент қилиб адо этдилар.

БУГУН

корхона илғор ёшлар коллективига квартал якуни бўйича эришган ютуқлари учун кўчма вимпел ва Ўзбекистон ЛКСМ Ҳамза район комитетининг фахрий ёрлиғи топширилди.

тонгги газеталарда

△ Кеча Афғонистон пойтахтининг Марказий майдонида Апрель революциясининг беш йиллиги шарафига ҳарбий парад ва байрам намойиши бўлиб ўтди. Афғонистон Халқ Демократик партияси (АХДП) ва АДР ҳукуматининг раҳбарлари, кўпдан-кўп чет эллик меҳмонлар бош минбарга чиққанлар. Улар орасида Совет партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бор.

АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, АДР миллий мудофаа министри генерал-полковник А. Қодир парадда нутқ сўзлади.

Ҳарбий параддан сўнг байрам намойиши бошланади.

△ 27 апрель куни меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этувчи республика комиссияси ўзининг навбатдаги мажлисини ўтказди.

Мажлисда Ўзбекистонда пионер лагерлари ва болалар дам оладиган бошқа базалар тармоғини ривожлантиришга оид ишларнинг аҳволи кўриб чиқилди.

Комиссия Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги, «Главташкентстрой», «Ўзбекбирлашув» ва «Узколхозстрой» раҳбарларининг санаторий-курорт объектлари қурилишининг бориши тўғрисидаги ахборотини тинглади.

△ СССР Давлат банки правлениеси таклифига биноан Совет Иттифоқига келган Ғарбий Германия «Дойче-банк-Аг» банки президенти Ф. Кристиан Ўзбекистоннинг ҳаёти билан танишмоқда.

Ф. Кристианни Ўзбекистон ССР Министрлиги Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров қабул қилди.

ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ РАПОРТИ

ТЎРТ ОЙЛИК ПЛАН ТАЙЁР

Ўзбекистон пойтахти саноат корхоналари коллективлари умумхалқ байрами —1Майни муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олишяпти.

БУГУН

хўжалиги буюмларини шаҳар индустрияси маҳсулот реализация қилиш ва асосий халқ ишлаб чиқариш бўйича тўрт ойлик планни бажарди.

Байрам олди вахтасида Акмал Икромов, Ленин, Куйбишев, Собир Раҳимов, Чилонзор районлари ишчи коллективлари меҳнат беллашувида юксак натижаларга эришиб, зарбдорона меҳнат қилдилар.

Тўрт ойлик давлат планларининг, 1 Май шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни и н г муддатидан илгари адо этилиши шаҳар ишчиларининг юксак меҳнат активлиги, мусобақада янада юқорироқ кўрсаткичларга эришиш, Тошкентнинг 2000 йиллигини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш учун ватанпарварларча интилиши натижасидир.

Шу кунларда шаҳар корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат суръатларини жадаллаштириш, оз маблағ ва куч сарфлаб кўплаб юқори сифатли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун кураш кучаймоқда.

Ой охиригача шаҳар индустрияси ходимлари планга қўшимча турли хил машинасозлик, приборсозлик буюмлари, қурилиш материаллари, енгил, озиқ-овқат ва маҳаллий саноат буюмларидан бир неча миллион сўмлик ишлаб чиқаради.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорларини изчиллик билан амалга оширaётган «Ташхимсельмаш» заводи машинасозлари пахтани дефолиация қилишда, боғ ва бошқа техник экинлар зараркунандаларига қарши курашда кенг қўлланиладиган ОВХ-28 пуркагич-чанглагич мосламаларидан бу йил 5000 комплектини ишлаб чиқаради. Сўзи билан иши бир корхона аҳли майолди зарбдор вахтасида туриб ана шу олий мақсад йўлида фидокорона меҳнат қиляпти.

СУРАТЛАРДА: заводнинг илғор йиғувчи слесарлар бригадаси бошлиғи, коммунистик меҳнат зарбдори, мураббий ишчи Виктор Деменков. У бош бўлган бригада смена-ойлик топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этади; тракторга ўрнатилган ОВХ-28 мосламаси.

М. Нуриддинов фотолари.

ДОҲИЙ СИЙМОСИ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи залларида доҳий В. И. Ленин сиймоси акс этган тасвир усталарининг асарлари намойиш этилмоқда.

Музейнинг қардош республикалар санъати бўлимида рассом М. Вербовнинг 1923 йилда яратилган «В. И. Ленин портрети»нинг 1974 йилги нусхаси, республика тасвирий санъат усталаридан ҳайкалтарош Н. Римскаяннинг гипсда жонланган Ленин бюсти, рассомлар А. Волковнинг «Ленин китоб ўқимоқда» каби асарлари томошабинларда зўр таассурот қолдирмоқда.

М. АҲМЕДОВ.

ЯНГИ ФИЛЬМ ПРЕМЬЕРАСИ

Ўзбекистон ССР илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси ҳар йили мамлакат экранларига 50 га яқин фильмларни чиқаради.

Ўтган йили И. Гибалевичнинг «Муборак миллиарди», А. Стапроннинг «Ўзбекистон йўллари», Т. Қаиповнинг «Излаш давом этади» киноленталари ва бошқа кўпгина қизиқарли фильмлар яратилди.

Куни кеча пойафзалчилар маданият саройида «Қизилқумни сахро деманглар» номли янги кинофильмнинг премьераси бўлди. Томошабинлар фильм режиссёри О. Салимов билан учрашдилар. Истеъдодли режиссёр фильмнинг яратилиши ва ижодий режалари ҳақида сўзлаб берди.

ИЖОДИЙ САФАР

Ўзбекистон кўрлар жамияти марказий маданият саройининг бир гуруҳ ижодий ходимлари Андижон области бўйлаб сафарга отландилар. Улар гастроль давомида Андижон ва Ленинск шаҳарларининг ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларида бўлишиб, Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишлаб тайёрланган адабий композицияни намойиш этишади.

Мазкур маданият саройи қошидаги ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашчилари Ленин, партия, Ватан, муҳаббат ва бахтни тараннум этувчи қўшиқлардан тузилган концерт программасини ҳам тайёрлаган.

А. ЭШОНХЎЖАЕВ.

КАТТА ДОР ЎЙИНЛАРИ

БУГУН

Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги халқ ижоди ва маданий-оқартув ишлари республика илмий-методик марказ Наманган область Гоголь номли шаҳар маданият уйининг Икромжон Қаюмов раҳбарлигидаги дорбозларнинг байрам олди катта дор ўйинлари бошланди.

Ҳамшаҳарлар и м и з катта дор ўйини, ёғоч оёқ ўйинлари ва ўзбек паҳлавони И. Қаюмовнинг машина кўтариш, оғир тош кўтариш ўйинларини томоша қиладилар. Дорбозлар З. Қаюмов, А. Қаюмов, Н. Қаюмова, масхарабозлар Н. Шерматов ва Й. Зариповларнинг ҳар бир чиқишлари томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинмоқда.

Т. ЮСУПОВ.

„Тошкент оқшоми"га жавоб берадилар

«ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ»

«Тошкент оқшоми» газетасининг 24 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида фельетон босилган эди. Унда 141-автокорхона раҳбарлари томонидан ишда йўл қўйилаётган суиистеъмол қилиш ҳоллари ҳақида сўз юритилган эди. Корхона Сергели райони территориясида жойлашган сабабли мақола чора кўриш учун Сергели район партия комитетига юборилган эди. Яқинда редакция жавоб олди. Унда шундай дейилади:

«Тошкент оқшоми» газетасида босилган «Қинғир ишнинг қийиғи» фельетонида баён этилган фактлар тасдиқланди.

Текшириш натижалари Сергели район партия комитетининг 1983 йил 13 апрелдаги бюро йиғилишида муҳокама этилди. Нуқсонларга йўл қўйилгани, назоратсизлик ва юк автомобилларидан ғаразли мақсадларда фойдаланилгани учун автотранспорт корхонаси директори Г. Цаплин, директор ўринбосари А. Жалилов, бош инженери Р. Ҳошимов, 2-колонна бошлиғи Т. Маҳамаджонов ва партия ташкилоти секретари Л. Телюк қатиқ партиявий жазо олдилар.

Ҳозирги пайтда директор Г. Цаплин, директор ўринбосари А. Жалилов ва бош инженер Р. Ҳошимов ишдан олинганликлари муносабати билан 141-автокорхонанинг янги раҳбарларига камчиликларни бартараф этиш, нуқсонларга чек қўйиш юзасидан конкрет чоралар кўриш топширилди».

Ж. АБДУЛЛАЕВА,

Ўзбекистон Компартияси Сергели район комитетининг иккинчи секретари.

Маъсуда Иброҳимова билан Мастура Мирзамуҳамедова бадиий буюмлар фабрикасининг ветеран ишчиларидан саналишади. Улар смена-топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажаришдан ташқари, ёшларга ўзларининг бой тажрибаларини ўргатишга ҳам катта эътибор беришяпти.

Чапдаги суратда: (чапдан-ўнгга) Маъсуда Иброҳимова ва Мастура Мирзамуҳамедова.

* * *

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам чевари Нури Худойназарова беш йилликнинг учинчи йили топшириғини Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига қадар адо этишга ваъда берган.

Ўнгдаги суратда Н. Худойназарова.

Ҳ. Мирзакаримов ва Ҳ. Суннатуллаев фотолари.

СССР ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

Энг муҳими — меҳнат интизоми

ОЛДИНДА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ТУРГАНИДА

Ўтган йили Тошкент экскаватор заводига 50 йил тўлди. Бу давр мобайнида ирригация техникасини ремонт қилиш бўйича собиқ устахона йирик замонавий корхонага айланди. Унинг кенг занжирли экскаваторлари фақат бизнинг республикамиздагина эмас, балки Ноқоратупроқ зона, Болтиқ бўйи, Белоруссия мелиораторларига ҳам яхши таниш. Бу техникани чет эллардаги ўнлаб давлатлар сотиб олиптн. Корхонада дўстона коллектив қарор топди, у янги маркадаги гидравлик экскаваторлар яратиш ва ишлаб чиқаришга тайёрлашдек катта ва муҳим вазифани ҳал этишга қодир.

— Бу машина ҳозир ишлаб чиқарилаётган тросли экскаватор-римиздан анча фарқ қилади,— дейди завод бош инженери А. Пирогов. —дастлаб бундай экскаваторларда ҳаракатланиш принципи мутлақо бошқача бўлади, бу унинг номига гидравлик сўзи тирқалганидан ҳам кўриниб турибди. Янги экскаватор 10 тоннагача тупроқ олади (ҳозирги сида бу кўрсаткич 4 тоннани ташкил этади). Чўмичи ҳажми ҳам ортади.

Шу йилнинг ўзида бу машинадан тажриба туркуми сифатида 5 таси тайёрланади.

Завод коллективи олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этиш барча резервларни ишга солишни тақозо этади. Шундай резервлардан бири меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашдан иборат.

Цехларда ва бригаларда бугунги кунда мана шу масалаларга эътибор бериляпти — меҳнат коллективлари ва уларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасининг муҳокамаси ишчиларнинг активлиги вазиятида ўтяпти.

— Маълумки, иш вақтининг йўқолиши меҳнат унумдорлиги ўсишининг пасайишига олиб келади, — деб таъкидлайди завод бош экономисти Е. Винокур. —Жумладан, заводимизда ўтган йили 2,2 минг киши-куни йўқотилди. Хомаки ҳисобларга қараганда, бу кишилар ишлаб чиқаришда меҳнат қилганларида бу вақт мобайнида 230 минг сўмлик ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқарган бўлур эдилар.

Бу ерда бундай аҳволни тузатиш учун қандай йўл тутиляпти? Биринчи навбатда, меҳнат интизомини бузувчилар ишлаётган бўлинмаларда масъулиятни ошириш керак.

—Уларнинг ҳар бир иши бригадаларда, участкаларда, цехдаги йиғилишларда муҳокама қилиниши керак,— деб давом этади Е. Винокур. — Ашаддий прогулчиларнинг қилмиши ўртоқлик судларида кўрилиши лозим. Бундай тадбирлар корхонамизда илгари ҳам белгиланган. Эндиликда эса биз улардан янада самарали фойдаланамиз.

Меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасини кенг жорий этиш, интизомни мустаҳкамлашнинг муҳим омилидир. Бу борада корхонада маълум ишлар амалга ошириляпти.

Корхона меҳнаткашлари ишлаб чиқаришда тартибни мустаҳкамлаш бўйича Москва меҳнаткашлари бошлаган ташаббусни маъқуллаб кутиб олдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Партия, давлат ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тадбирлар ишлаб чиқилди. Уларни амалга ошириш бўйича ишлар кенгайиб кетган. Бунинг натижалари кўзга кўриниб қолди. Иил бошидан бери прогул ва ишга кечикиб келиш, ускуналарнинг бекор туриб қолиши анча камайди.

— Интизом — бу коллективнинг аниқ, бир маромда ишлашининг асосидир, —дейди завод партия комитетининг аъзоси, Ленин ордени кавалери токарь Раҳим Иўлдошев. — Мен шундай ҳисоблайман. Ҳамон ишга келдингми, вақтни бекор ўтказмай ишлашинг керак. СССРнинг меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш пайтида йиғилишларда сўзлаганлар прогулчилар ва ичкиликбозларни қаттиқ танқид қилишяпти. Биз ҳозир гапдан амалий ишга ўтдик. Эндиликда кимда-ким прогул қилса, биз уни мукофотдан маҳрум қиламиз. Прогулчилар ва дангасалар бизнинг орамизда бўлмаслиги лозим.

Н. СЕРГЕЕВ.

«Тошкент оқшоми»га хатлар

НАМУНАЛИ КОЛЛЕКТИВ

1-«э» автобус маршрутида хизмат кўрсатаётган сменадош бригадаларининг кунлик нормаси 103 — 104 процент атрофида айланади, ойлик план ҳам шу даражада. Вақтдан ўзиб меҳнат қилаётган бошқа илғор коллективларнинг юксак кўрсаткичлари олдида бу рақамлар арзимасдек туюлса-да, аммо 1-«э» маршрути шаҳар транспортида энг намунали маршрутлардан ҳисобланади. Мана неча йилдирки, коллектив «Намунали хизмат кўрсатиш маршрути» деган номни шараф билан оқлаб келмоқда.

Сменадош бригадалар бошлиқлари В. Шамкин ва А. Канировлар корхонада ушбу маршрут ташкил этилган йилдан буён меҳнат қилиб келишади. Улар уюшган коллективни вужудга келтириш учун тинмай изланишди. Ишни аввало, бригада коллективлари ўртасида меҳнат интизомини қатъий йўлга қўйиш, яъни меҳнат интизоми бузилишининг барча кўринишларига муросасиз бўлишдан бошлашди. Натижада, ҳайдовчилар ўртасида графикка амал қилмаслик ва ишга кечикиш ҳоллари кескин камайди. Бундан ташқари, ҳар иккала бригада коллективи ўртасида узвий боғланиш вужудга келтирилди. Шу боисдан машиналарнинг техник созлиги ошиб, уларнинг ремонтда узоқ туриб қолиш ҳоллари камайди.

Бу маршрут коллективи меҳнат ташаббусларини доимо қизғин қўллаб-қувватлайди. Масалан, ўтган йили мамлакатимизда «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» шиори остида ўтган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида коллектив корхона бўйича ҳамиша олдинги ўринларни эгаллаб келди. Иил бошида эса автокорхонанинг 50 нафар ишчиси Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи шарафига меҳнат қилиб, йиллик планни 1 сентябргача адо этишга қарор қилди. Бу ташаббускор ишчилар орасида 1-«э» маршрутининг илғор ҳайдовчиси С. Алиев ва Ш. Валиевлар ҳам бор.

Бугунги кунда коллектив Тошкентнинг 2000 йиллик шарафига меҳнат қилмоқда. Улар маршрутда ҳаракат мунтазамлигини янада яхшилаб, хизмат кўрсатиш маданиятини тобора ошириб бормоқдалар.

Э. НОРБЕКОВ,
хизматчи.

«МУЗЛАГАН» ОБЪЕКТ

Ишчилар шаҳарчасининг биринчи ғишти қўйилганига эллик беш йил бўлди. Дастлабки ғиштни республикамизнинг биринчи президенти Иўлдош Охунбобоев қўйиб берган эди. Шундан буён шаҳарча ҳам энига, ҳам бўйига кенгайди. Бу ерда истиқомат қилаётган аҳолининг сони 50 минг кишидан ошиб кетди. Шаҳарчада аҳоли учун кўпгина қулайликлар муҳайё этилган.

Бироқ бу ерда аҳолига медицина хизмати кўрсатиш бироз оқсаяпти, десак муболаға бўлмайди. Чунки мавжуд, яккаю-ягона поликлиника эски уйларга жойлашган бўлиб, беморларга намунали медицина хизмати кўрсатиш имконини бермайди. Ана шу мақсадда ишчилар шаҳарчасида янги поликлиника қуришга қарор қилинган эди. Бу уч қаватли замонавий бинони эски поликлиника биносини бузиб ташлаб, ўрнида бунёд этиш кўзда тутилди.

Бир сменада 700—800 беморни қабул қилишга мўлжалланган янги поликлиника қурилиши 1981 йилнинг тўртинчи кварталида Туркқўрғон кўчасида бошланиши керак эди. Бироқ, мана икки йилдан ошяптики, поликлиника қурилишидан дарак йўқ. Бош пудратчи Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармаси 12-трестининг (бошқарувчиси В. П. Очкас) 65-қурилиш бошқармаси (бошлиғи Ғ. С. Султонов)лар бу қурилишни пайсалга солиб келдилар. Улар ваъдадан нарига ўтишмаяпти.

Қурилиш бошланиши учун жойнинг тайёрлаб қўйилганига бир йилдан ошди. Афсуски, қурувчилар бу ерда ҳали ўзларини кўрсатганлари йўқ. Тайёрлаб қўйилган жой — чамаси 0,5 гектар келадиган қурилиш майдони ҳозир аянчли ҳолда ётибди.

Ҳолбуки, Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш ва унинг яқинлашиб келаётган 2000 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун курашилаётган бир пайтда бундай боқибеғамлик билан асло муроса қилиб бўлмайди. Маълум бўлишича, объект қурилиши 50-қурилиш бошқармаси ихтиёрига ўтказилибди. Бундай сансалорлик қачонгача давом этади? 12-трест раҳбарлари қачонгача совуққонлик қилишади?

А. НАБИХУЖАЕВ,
Ж. АБДУЛЛАЕВ,
меҳнат ветеранлари.

Республика бўйлаб

Чортоқ аҳолиси хонадонларига газ келтирилди. Район марказида газ қувури ётқизиш давом эттирилмоқда. Беш йиллик охиригача уйжой фондининг ярмидан кўпроғини газлаштириш мўлжалланмоқда. «Чортоқ» санаторийсида газ қувури монтаж қилина бошланди.

✦

Чирчиқдаги бадиий гилам тўқиш фабрикаси янги икки қаватли бинога кўчиб ўтди. Эндиликда корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш бир ярим баравар кўпаяди. Бу йил корхона коллективи 24 минг квадрат метр ярим жун палослар тўқиб чиқаради. Мамлакат гилам тўқиш корхоналарининг чиқиндилари фабрика учун хом ашё бўлиб хизмат қилади.

✦

Намангандаги 2523-автоколоннада машиналар ремонти бир ярим баравар тезлаштирилди. Корхона ремонт базасини реконструкция қилиш ана шундай натижа берди. Устахоналар серунум металл қирқиш ускуналари билан жиҳозланди, узелларни синовдан ўтказадиган моторларни, ёқилғи ва электр системаларини созлайдиган стендлар ўрнатилди. Иккита ремонт бригадаси кеча-кундуз давомида навбатчилик қилади.

✦

Жиззах устки трикотаж фабрикасининг Ульяноводаги филиалида болалар жемперлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қўриқ областнинг кичик шаҳарларида саноатни ривожлантириш программасида мазкур корхонани бунёд этиш кўзда тутилган эди. Ульяновода Зомин бадиий буюмлар фабрикасининг филиали ишлаб турибди, пахта тозалаш ва ғишт заводлари қурилмоқда. Беш йиллик охирига бориб Зомин районида ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар кўпаяди.

✦

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг 31-плаз-шаблон цехи «Энг яхши физкультура коллективи» номига сазовор бўлди. Коллектив бирлашмада ўтказилган ёзги ва қишки спартакиадаларда муваффақиятли куч синашганлиги учун тақдирланди. Бу ерда ҳар беш ишчидан бири ГТО нормасини топширди, кўплаб кишилар разрядли спортчи бўлишди. Ишлаб чиқариш гимнастикаси, дам олиш кунлари туристик юришлар ўтказиш цех ишчиларининг кун режимидан пухта ўрин олди.

(ЎзТАГ).

Факт ва шарҳ

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНЯПТИ

Биз Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг турли факультетларининг кундузги бўлимида ўқиймиз. Ўзбекистоннинг областлари ва районларидан бу ерга ўқиш, олий маълумотли инженерлар бўлишни мақсад қилиб келганмиз. Бироқ биз институтда ётоқхона етишмаётганидан бироз қийналяпмиз. Ҳар бир факультетга биттадан ётоқхона ажратилган. Лекин улар етарли эмас. Бунинг оқибатида студентларнинг бир қисми хусусий квартираларда яшашга мажбур бўляпти. Бу бизларга ноқулайлик туғдиряпти.

И. ҚОДИРОВ, Ф. ЮСУПОВ, А. ҲОТАМОВ ва бошқалар.

С. ГАНАПОЛЬСКИЙ,
Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институти проректори.

— Ҳақиқатан институтимизда ҳозирча студентлар учун ётоқхоналар етишмаяпти. Чунки студентлар миқдорининг ўсиши ётоқхоналар қурилишидан илгарилаб боряпти. Лекин институт ректорати ҳозир бутун имкониятларни ишга солиб, янги ётоқхоналар қурилишини кучайтиряпти. Масалан, ўтган йилнинг ўзида институтимизда жами минг ўринли бўлган тўртта ётоқхона фойдаланишга топширилди. Шундай қилиб, ётоқхоналаримиздаги ҳамма ўринлар миқдори 7 мингтага етди.

Ҳозир яна учта ётоқхона қуриляпти. – 440 ўринли бўлган иккита ётоқхона келаси йилга, 960 ўринли битта ётоқхона 1985 йилга фойдаланишга топширилади. Ўн иккинчи беш йилликка бориб институтимиз студентлари ётоқхона билан тўла таъминланади.

Айни пайтда институт ректорати хусусий квартираларда турадиган, моддий ёрдамга муҳтож бўлган студентларга ҳар томонлама ёрдам беришга ҳаракат қиляпти. Уларнинг бир қисми бевосита институт объектларида ишларга жойлаштирилган. Ҳозирги пайтда ётоқхоналарда ва ўқув корпусларида юздан ортиқ студент кичик хизматчи, слесарь, электрик ва бошқа вазифаларда ишлаяпти. 200 дан ортиқ студент хўжалик ҳисобидаги шартномалар асосида илмий-тадқиқот ишларида иштирок этиб, ҳақ олаяпти. Кўпгина студентларимиз институтнинг ремонт-қурилиш бошқармасида ўқув корпуслари ва ётоқхоналарни ремонт қилиш ишларида меҳнат қилишаяпти.

«Тошкент оқшоми» да босилгандан кейин

«ИМЗО ОСТИДАГИ СОХТАЛИКЛАР»

Газетамизнинг шу йил 11 февраль сонида босилган мақола шундай деб аталган эди. Унда «Химчистка» фабрикаси раҳбарлари ишга сидқидилдан муносабатда бўлмаётганликлари, дирекция тушган шикоятларга юзаки жавоб бераётганлиги ҳақида сўз юритилган эди. Редакция ана шу мақолага шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасидан жавоб олди.

«Имзо остидаги сохталиклар» мақоласи корхоналарнинг ва район маиший хизмат бўлимларининг раҳбарлари иштирокидаги кенгайтирилган йиғилишда муҳокама этилди. Газетада кўрсатилган фактлар тасдиқланди. «Химчистка» фабрикаси бўйича чиқарилган буйруқ билан ишидаги бетартиблик ва назоратсизлик учун дастлабки саралаш мастери М. Болбатга огоҳлантириш берилди. Сараловчилар Мерзякова, Болтачева, Бурова, Селиванова ва Сайдан йўқолган плашчнинг қиймати ундириб олинди.

«Химчистка» фабрикаси директори В. Скрипкага сохта жавоб берганлиги учун шу йилнинг 17 мартида чиқарилган 80-буйруқ билан виговор эълон қилинди».

С. ИСАЕВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи.

Хат босилмади, аммо чора кўрилди

ТАРТИБГА ЧАҚИРИБ ҚЎЙИЛДИ

ТашГРЭС микрорайонидаги 1-уйда яшовчи бир группа кишилар редакцияга хат ёзиб қўшнилари Е. И. Соловьевانинг номуносиб ахлоқи ҳақида хабар қилишган эди. Хат текшириш ва чора кўриш учун Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасига юборилган эди. У ердан жавоб олинди.

«Хатда баён этилган фактлар тасдиқланди. Кўрсатилган адресда яшовчи гражданка Е. И. Соловьева Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг 1-касалхонасида ишлайди. У 1983 йилнинг февраль ойида ишлаш ва яшаш жойларининг тайини йўқ Р. Исмонлова ва А. Кинтюбаеванн қонунсиз равишда уйига квартирант сифатида киритган. Улар биргаликда спиртли ичимликлар ичиб, ярим кечагача шовқин-сурон кўтариб, кўнгилхушлик қилиб юришган. Меҳнаткашларнинг тинчлигини бузишган.

Киров район Совети ижроия комитети ички ишлар бўлими, микрорайон уй-жой коммунал бўлими вакиллари иштирокида аҳоли йиғилиши ўтказиб, унда Е. И. Соловьеванинг ахлоқи муҳокама этилди. Паспорт режими қоидалари ва жамоат тартибини бузганлиги учун квартира эгасига нисбатан маъмурий протокол тузилди. Р. Исмонлова ва А. Кинтюбаеванинг шахслари аниқланиши ҳамда кейин ишга жойлаштирилишлари мақсадида махсус қабултарқатув пунктига юборилдилар».

И. САТТОРОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция генерал майори.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Халқаро мавзуларда суҳбатлар

ХАТАРЛИ ЙЎЛ

Мана қарийб беш йилдирки, Покистонда ҳарбий режим ҳукм сурмоқда. Генерал Зиёул Ҳақ ҳокимият тепасига келгач, 90 кундан кейин парламент сайловлари ўтказилади, деб ваъда қилганди. Лекин ана шу сайловлар уч маротаба қолдирилди, 1979 йилда эса умуман номаълум муддатга кечиктирилди. Ҳарбий режим ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун ана шу фурсатдан фойдаланганлиги аён бўлиб қолди.

Бунинг учун «эркин дунё» мамлакатларига одат бўлиб қолган воситалар ишга солинди. 1979 йил октябрдан бошлаб мамлакатда сиёсий фаолият, иш ташлашлар, намойишлар тақиқланди, қаттиқ матбуот цензураси жорий этилди, ҳарбий дала судлари тузилди, ҳарбий маъмурият неча ўн минглаб сиёсий мухолифларини қамоққа ташлади. Улардан кўпчилиги, шу жумладан Покистоннинг собиқ президенти З. Бхутто ўлдирилди. Зиндонларида 30 минг сиёсий маҳбус ётган бу мамлакатдан олинаётган хабарлар ҳарбий режим оппозициясига қарши янги репрессиялар кампаниясини авж олдирилганлигидан гувоҳлик бермоқда. Кейинги кунларда Покистон халқ партияси, таҳриқи истиқбол партияси ва бошқа катта сиёсий партияларнинг раҳбарлари турмага ташланган. Оппозициянинг кўпгина раҳбарлари яширинишга мажбур бўлмоқдалар. Лекин, қаттиқ репрессияларга қарамай, ҳарбий режим ўзини худди сиёсий вулқондагидек ҳис этмоқда. Чунки ҳарбий режим ишчилар, касаба союзлари, деҳқонлар, студентлар, юристлар ва журналистларнинг демократия, эркинлик, меҳнаткашлар турмуши яхшиланиши учун олиб бораётган кенг курашини бостиришга ожиздир.

Армия ва полиция ҳарбий режимнинг асосий таянчи бўлиб қолмоқда. Мамлакатни милитарлаштириш Покистон оғир иқтисодий аҳволининг, унинг ташқи қарзи тобора кўпаяётганлигининг асосий сабабларидан биридир. Милитаристик йўл Покистон меҳнаткашлари гарданига оғир юк бўлиб тушмоқда. Масалан, ўтган йили Покистоннинг ташқи қарзи мисли кўрилмаган даражага — 10 миллиард долларга етган, савдо балансидаги камомад эса 3,6 миллиард долларга кўпайди. Зиёул Ҳақ режими ҳарбийларнинг иштаҳасини қондириш учун соғлиқни сақлаш, маориф, қишлоқларга ёрдам беришга ажратиладиган маблағларни тобора қисқартирмоқда. Мамлакатда нарх-наво кескин кўтарилмоқда.

Покистоннинг АҚШ билан оғиз-бурун ўпишиши кейинги вақтларда кучайди. ЮПИ ахборот агентлиги хабар беришича, яқинда Покистонга океан ортидан учта энг замонавий «Ғ-16» қирувчи-бомбардимончи самолёти келтирилган. Улар Вашингтоннинг Исломободга ҳарбий-сиёсий битим доирасида етказиб берадиган умумий қиймати 1,1 миллиард доллар турадиган 40 та самолёт жумласидандир.

Хўш, АҚШга тиштирноғигача қуролланган Покистон нимага керак? деган савол туғилиши табиий. Бунинг жавоби равшан. Афғонистонда Апрель революциясининг галабаси, Эронда шоҳ салтанатининг емирилганлиги ҳамда шу региондаги бошқа ижобий ўзгаришлар Вашингтон ва унинг иттифоқчиларини ўз агрессив режаларини амалга ошириш учун янги плацдармлар қидиришга мажбур этди. АҚШ Покистонни қуроллантириб, АҚШ давлат секретариатининг ўринбосари Ж. Бакли сўзи билан айтганда, Америка империализминнинг бутун Осиё қитъасидаги босқинчилик сиёсати учун мустаҳкам қўрғон тузмоқчи бўляпти. Маълумки, Покистон Жанубий Ғарбий Осиёда стратегик жиҳатдан муҳим мавқега эга. СССР, Афғонистон, Ҳиндистонга қўшни Форс кўрфазидаги нефть қазиб чиқариладиган давлатларга яқин турувчи Покистоннинг Ҳинд океанига чиқиш йўли ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси АҚШнинг стратегик режаларида Исломободнинг ролини жуда ошириб юборди.

Вашингтоннинг Исломободга сахийлик қилаётганлигининг боиси ҳам ана шунда. Америкага инъом эҳсон эвазига Покистон АДРга қарши разилона уруш олиб бориш учун АҚШга ўз территориясидан асосий плацдарм сифатида фойдаланишни умуман чекламай қўйди. Хабарларга кўра, Покистон — Афғонистон чегараси бўйлаб ташкил этилган қарийб 80 лагерда аксилинқилобчи афғон газандалари махсус тайёргарликдан ўтмоқда. Бундан ташқари Америка тамғаси туширилган қурол-яроғлар Ҳиндистон билан чегарадош районларда ҳам кўплаб тўпланмоқда. Тарихдан маълумки, Покистон океан ортидан олган ажал қуролларини икки марта — 1965 ва 1971 йилларда Ҳиндистонга қарши қўллаган эди.

Покистоннинг ядро қуролига бўлган иштаҳаси айниқса ташвиш уйғотмоқда. Ҳиндистонда чиқадиган «Ҳинду» газетасининг хабарига кўра, Покистонда ядро қуроли яратиш устидаги ишлар жадал суръатларда олиб борилаётир. Ҳозиргача бу ерда ишлаб чиқарилган 20 килограмм соф плутонийдан Хиросимаинг кулини кўкка совурган атом бомбасидан иккитасини ясаш мумкин. Вашингтон бераётган мўл-кўл ҳарбий-иқтисодий ёрдам Исломободга ядро қуроли устидаги ишларни тезлаштиришга кўмаклашмоқда. Бу фактлар Покистоннинг ядро хавфи эндиликда реалликка айланганлигини кўрсатмоқда.

Маълумки, Исломобод ядро тадқиқотларига бундан 30 йил муқаддам қўшилганди — 1953 йилда Покистонда атом энергияси бўйича комиссия тузилди. Орадан 11 йил ўтгач, Исломобод яқинидаги ядро тадқиқотлари ва технологияси институтида АҚШ етказиб берган 5 мегаваттли реактор, 1972 йилда эса Канаданинг 137 мегаваттли реактори ишлай бошлади. Покистонлик мутахассислар Қўшма Штатларда, Ғарбий Европа мамлакатларида таълим олишди ва стажировкадан ўтишди.

Кўриниб турибдики, Ғарб мамлакатлари хатарли йўлдан бораётган Покистоннинг ядро қуролидек ҳалокатли яроғ билан қуролланиши учун дахлдор ва жавобгарлар. Зеро, Покистон ҳарбий режими кўлидаги ядро қуроли, энг аввало, Жанубий-Шарқий Осиё регионида мустақил сиёсат ўтказаётган мамлакатларга бевосита таҳдиддир.

Ф. ШОҲИСМОИЛОВ,
А. РУЗИЕВ.

ОБЪЕКТИВДА—САЛЬВАДОР

САЛЬВАДОР. Фарабундо Марти номли миллий озодлик Фронти жангчилари АҚШнинг моддий ва сиёсий қўллаб-қувватлашига суянган қонли Сальвадор режими ҳарбийларига тобора кўпроқ зарба бермоқдалар.

СУРАТДА: мамлакат соҳили бўйлаб ўтадиган шоссени қўриқлаётган партизанлар Усулутан вилоятида.

АП—ТАСС телефотоси.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

Шу йилнинг март ойида 2 мингдан ортиқ афғон гражданлари ўз ватани Ғарбий Ҳирот вилоятига қайтиб келди. Улар Апрель инқилоби душманларининг ёлғон ташвиқоти билан илгари ўз жонажон юртларини ташлаб кетган эдилар.

* * *

Маҳаллий ҳокимият органлари билан бўлиб ўтган учрашувларда улар аксилинқилобчиларнинг кўпорувчилик ишларини қораладилар, партия ва ҳукуматнинг меҳнаткаш халқ турмушини яхшилаш йўлидаги ҳаракатини қўллаб-қувватлашлари ва ян. ги жамият қурилиши учун курашга бутун кучимизни бағишлаймиз, деб ваъда бердилар.

* * *

Исроилнинг сионист раҳбарлари фаластинликларни уларга тегишли ерлардан зўрлик билан ҳайдаб юбориш сиёсатини тобора кенг кўламда қўлламоқда. Исроил ҳарбий маъмурлари кейинги кунлар мобайнидагина Иордан дарёси ғарбий соҳили аҳолисининг 250 минг донумдан кўпроқ унумдор ерларини мусодара қилдилар. Натижада юзлаб араб оилалари яшаш воситаларидан маҳрум бўлиб қолди. Ремаллах шаҳри районидаги қишлоқларнинг аҳолиси айниқса кўп зарар кўрди.

* * *

Халқ хўжалиги учун миллий кадрлар тайёрлаш—Ливия олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Давлат 1981—1985 йилларда экономикани ривожлантириш беш йиллик планига мувофиқ шу мақсадлар учун қарийб 1 миллиард ливия динари ажратди.

Мамлакатда малакали ишчилар тайёрловчи махсус марказлар очилди. Бу марказларда Ливия экономикасини ривожлантириш вазифаларини яқин орада ҳал қилиши керак бўлган профессионал маҳоратга ўргатилади. Ҳозирги вақтда Триполи, Бенгози ва бошқа шаҳарлардаги шундай марказларда 2 мингга яқин йигит ва қиз ўқимоқда.

ОИЛА даврасида суҳбатлар

Маслаҳат

Санъат МАҲМУДОВА

ҚУТЛУҒ ОСТОНА

«Ҳаёт остонадан бошланади қизим, остонани покиза тут» дердилар онам. Ёшлигимда сўзлар мағзини чақиб етмагандим, қатор панд-насиҳатларнинг бирида бу ҳам, д-б қўя қолгандим. Йиллар ўтиб, озми-кўпми ҳаётни кузатиб, онам таъкидлаган сўзлар замирида жуда катта маъно борлигини тушуниб етдим.

Бир мисол келтирай...

Касбим тақозоси билан ўнлаб оилаларда бўлиб тураман. Ўтган йили қўшни шаҳарга бир таниқли аёл ҳақида ёзиш учун бордим. Кечгача унинг идорасида ишларини кузатдим. Гапга ҳам, ишга ҳам чечангина кўринади. У кўз ўнгимда телефон орқали қанчақанча масалаларни ҳал қилиб ташлади, топшириқлар берди. Менга бу аёлгинанинг кийиниши, соч турмаклари ҳам ёқди. Ўзи ҳам кўҳликкина, одамлар ҳам унинг ишидан хурсанд экан. «Зап очерк ёзадиган бўлдим-да у ҳақда!» деб ҳаяжонландим. Шундай дедиму, юрагим хиёл ғаш тортганини ҳис этдим.

Шу куни мен ишимни тугатиб, бошқа районга ўтиб кетиш режам бор эди. Лекин мен негадир бу кўҳлик аёлни уйида ҳам бир кўргим келди. Оиласида, болалари даврасида кўргим келди. Атлас кўйлакда зеболаниб юришларини хаёлан тасаввур этдим.

Қош қорайганда унинг уйига келдик. Бир ўғил, бир қизи бор экан. Бири студент, яна бири юқори синф ўқувчиси. Бўйлари етук, суқсурдай йигит ва қизни кўриб, ҳавасландим. Дадалари эса ҳали ишдан қайтмаган. Йигит ва қиз мен билан саломлашгач, яна тўппа-тўғри ўз хоналарига йўл олишди. Чиқиб қолишар, деб ўйладим. Йўқ, чиқишмади. Гаплашгандим қўлидан ишини олиб.

Ошхона! Бу ерда аёл йўқолиб қолмаётганига, қўллари кир ишларга «чиппа» ёпишиб кетмаётганига ажабландим. Сабзи тўғралгунча чой қайнади. Аёл чой дамлаб қўярда-қўймай мени ичкарига бошлади. Чой қуйиб узатиб, яна ошхонага чиқди.

Мен истамаган ҳолда яна атрофга қараб ўзимни нохуш сезаман. Чойнак-пиёлаларга ҳам қараб бўлмайди-я! «Балки вақти йўқдир, иши кўп ахир унинг», деб ўзимни овутаман. Лекин бўйга етган қиз ва йигитчи? Уларнинг айни ишлаб чарчамайдиган вақтиқу.

Орадан икки соатдан ортиқ вақт ўтгач, ош тайёр бўлди. Палов. Эсиз, бир килограммдан ортиқ гўшт солиб, ёғни аямай пиширилган бир лаган паловда заррача лаззат йўқ эди. Ёғ яхши қизитилмаган, пиёз куйиб кетган, гуруч тирик...

Тошкентга қайтгач, ярим тунда столим узра мук тушиб, қаламни ўйнаб ўтирибман. Юрагим эзилиб, ўртаниб кетаяпман. Қани энди ўша аёл ҳақида, унинг яхши мутахассис, яхши раҳбар эканлиги ҳақида ёзаолмадим... Йўқ ёзаолмадим. Унинг уйида кўрганларим шундоқ кўз ўнгимга келиб, аллақандай кўринмас куч қўлимдан қаламни юлқиб олди. Балким, муҳтарам оқшомхонлар мендан ранжир, «Аёл ўз ишини яхши олиб борар экан, ишини ёзавер», дейишар. Йўқ, менинг фикримча, аёл ким бўлишидан қатъий назар, майли у министр бўлиб етишсин ё оддий колхозчи, майли, унинг кўкси медаллар, орденларга, шахсий делоси раҳматномаларга тўлиб-тошсин, барибир, биринчи навбатда у аёллик фазилатини унутмасин! Оналик бурчини ёдидан чиқармасин!

Ҳа, оила — қутлуғ остона. Шу қутлуғ остонага қадам босиб кирган ҳар бир аёл шу уйни чироқ бўлиб ёритсин, нур бўлиб чарақлатсин, гул бўлиб чирой бағишласин!

Хўш, нега ўша мен кўрган аёлга ўғли ёки қизи чиқиб ёрдам бермади? Нега? Нега онаизор ишдан келганида, бир пиёла чой дамлаб қутиб олмадилар? Мен шаҳар ва қишлоқларимизда а г и минглаб оилаларда бўлганимда ҳатто 13 — 14 ёшли болаларнинг ҳам пазандалиги, дилбарлиги, отаоналарига ҳурматини кўравериб, шунга кўникиб қолган эканманми, бу оиладаги манзара дилимни ўртади.

Дарвоқе, ўшанда, ҳадемай, оила бошлиғи ҳам ишдан қайтди. У ҳам мен билан сўрашгач, ўз хонасига ўтиб кетди.

— Эрингизга қаранг, овқатларини беринг—дедим аёлга.

— Ҳа-а, у киши доим тўқ келадилар кўчадан! — бепарволик билан жавоб берди аёл.

Тушунарли. Уйда мазали таом бўлмагач, ҳаловат кўрмагач, у кўчада овқатланиб келишга мажбур-да!

Эҳ, бир дастурхон атрофида бир оила бўлиб, гурунглашиб, иштаҳа билан мазали таом тановул қилишгатига не етсин! Ширин суҳбат, меҳр-муҳаббат, табассум — ҳаётнинг энг лаззатли дамлари-ку бу!

Агар ўша мен кўрган аёл ҳар куни ақалли ярим соат вактини уйига қарашга, ошхоналарни йиғиштириб тозалашга сарфласа — уйлари чинни-чирогдай бўлмасмиди? Дам олиш куплари ўғил ва қизини ёнига олиб, бир-икки соат ичида ҳамма ёқни бир сидра тозалаб чиқиш мумкин-ку!

Меҳнатда ҳам довруғ таратган, оилада ҳам қўли гул мингминглаб аёлларнинг номларини санасам агар, сиз азиз газетхонларнинг вақтини олиб қўярман. Биргина СССР халқ артисти Сора Эшонтўраева ҳақида сўзлай. Мен Сора опани ўн йилдан бери яқиндан биламан. Қанча роллар, репетициялар, жамоат ишлари, мажлислар... Ҳар куни у банд. Лекин унинг уйида бўлган кишининг баҳри-дили очилиб кетади. Тоза ҳаво, ҳаммаёқ чиннидай тоза. Уйига келган меҳмонни албатта лаззатли таом билан сийлашга ҳам улгуради.

— Аёл киши... у ким бўлмасин, у бировнинг қўлига қараб ўтирмасин, — дейди Сора опа. — Аёл озода, саришта бўлсин Таом тайёрлашнинг қулай, осон усулларидан фойдалансин. Масалан, мен бўш вақтимда қийма қилиб, тоза идишда холодильникка қўйиб қўяман. Шошиб турганимда нон талқони қўшиб бир неча минут ичида котлет пиширишим мумкин. Ёки...

Сора опанинг усуллари кўп. Қордан тоза дастурхон, тоза идишлар, дид билан тайёрланган оддийгина салат ва таом. Озгина вақт, озгина масаллиқ, озгина қунт билан дастурхон обод...

Менинг дилбар, лобар дугоналарим! Қутлуғ остонангиз ярқираб турса, обод бўлса, шу тоза остонадан ўтиб бориб, кенг меҳнат мобайнида халққа хизмат қилмоқ энг катта бахтдир. Ҳа, дунёда аёл борки, гўзаллик, назокат бор. Гўзаллик ва назокатни яратиш ўз қўлимизда.

АКС САДО

МУНОЗАРАНИ ГАЗЕТХОНЛАР ДАВОМ ЭТТИРИШАДИ

«БАРНОНИ БАХТСИЗ ҚИЛГАН КИМ?»

(«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», 1983 ЙИЛ, 14 АПРЕЛЬ).

Газетамизнинг шу йил 14 апрель сонида ахлоқ мавзуида «Барнони бахтсиз қилган ким?» сарлавҳали мақола босилган эди. Унда ота ва она меҳрига қонмаган ожиз гўдак ҳамда ўз фарзандидан воз кечиб, оналик шаънига доғ туширган аёл ҳақида ҳикоя қилинган эди. Мақола юзасидан редакцияга кўплаб хатлар келяпти. Газетхонлар ўз хатларида бахт тушунчаси ҳақида, она меҳри ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиришмоқда. Биз қуйида уларнинг хатларидан сатрлар бермоқдамиз.

Биз фаровон замонда яшаяпмиз. Ҳаётда беками-кўст яшаш, истаган нарсамизга эришиш имкониятига эгамиз. Лекин ана шундай бахтли замонда унга номуносиб хатти-ҳаракат қилаётганлар борлиги кишини ранжитади. «Барнони бахтсиз қилган ким!» мақоласидаги аёл ана шундай иш тутган. У ўз фарзандидан воз кечиб, аёллик шаънига доғ туширган. У қизчасини ташлаб кетиш ўрнига давлатиш йўлларини қидирса, ўксик, мурғак қалбига далда берса бўларди. Бу иш унинг қўлидан келар эди-ку.

Оналик бурчини ўташга бу аёлга нима тўсқинлик қилди экан! Наҳотки у энг оддий инсоний туйғулардан ҳам маҳрум бўлган бўлса! Ахир онгсиз хайвонлар ҳам боласининг атрофида парвона бўлади-ку! Онгли инсон шундай йўл тутган экан, уни асло кечириб бўлмайди. Ўша аёлга қараб «Кўзингни оч, сен онасан, фарзандингни ҳам, ўзингни ҳам бахтсиз қилма!» дегим келади.

П. ЧЎМБОЕВ.

●

Барнонинг тақдири билан танишиб чиқар эканман, кўзларимга ёш келди. Ожиз, иккинчи томондан ҳаётда бахтиёрлик нашидасини тота олмаган, ота ва она меҳрига қонмаган Барнога ачинаман. Наҳотки унинг онаси инсоний фазилатлардан йироқ бўлса.

Мен шифокор Муҳаррам опани ҳақиқий она меҳрига эга бўлган инсон деб биламан. Унинг Барнога бўлган меҳрини ҳамма оналарда кўришни истайман. Ишонч билан айта оламанки, бу аёл бутун куч ва билимини ишга солиб, Барнонинг бахти учун курашаётган шифокор аёлга минг бор раҳматлар айтамиз. Унинг кўзларини очилишини истайман.

А. УТБОСАРОВ.

●

Ҳаётда бағритош, виждонсиз, яхши кишилар ҳаётига зомин бўладиган одамлар борлигидан нафратланиб кетасан киши. Агар она меҳрини йўқотсачи. Бунга асло тоқат қилиб бўлмайди. Она номига доғ туширган аёл яхши ҳаёт, яхши турмуш кечира олмайди. Мен фарзандни онанинг суянган тоғи, деб биламан, Лекин Барнонинг онаси бу тўғрида ўйлаб кўрмаган. Бунчалик бемеҳр бўлиш, зеб-з ийнатни фарзанддан ҳам азиз деб билиш онага лойиқ иш эмас.

НОДИРА,
студент.

●

Мақолани ўқиб чиққанимиздан кейин она шаънига доғ тушираётган аёллар борлигини ўйлаб қаттиқ ранжидик. Чунонч ҳар бир инсон гўдаклигидан бошлаб онага, унинг илиқ бағрига талпинади. Уз фарзандини ташлаб кетган аёлни қандай қилиб она деб аташ мумкин! Барно соғайиб, ҳаётда ўз йўлини топиб кета олади. Чунки унинг атрофида Муҳаррам опа сингари қалби пок, меҳр-муҳаббатга тўла одамлар кўп.

Уз фарзандини ташлаб кетган аёл эса бир куни ўз қилмишидан ўксинар, афсусланар, лекин ўшанда афсус-надоматнинг бир тийинлик қиймати бўлмайди.

Д. ТЎРАЕВ, О. ҚОДИРОВ, Ю. ТОЖИБОЕВ.

●

Кексалар «Отадан қолсанг ҳам, онадан қолма», дейишади. Лекин ўз фарзандини ташлаб, разиллик йўлига ўтган аёлнинг қилмишини қандай баҳолаш керак! Еш гўдакнинг нима айби бор! Балки бу боланинг бир камчилик билан туғилишида ўша аёлнинг ўзи айбдордир. У аёллик шаънига доғ тушириб, боласини ташлаб кетди. Яхши ҳамки, Муҳаррам опа каби қалби дарё аёллар жуда кўп.

Барно, сен бахтли бўласан!—дегим келади.

Р. ЖЎРАЕВ,
студент.

●

Ҳали болалик гаштини суриб улгурмаган шундай ожиз қизни дард-алам оғушига ташлаб кетган онага нисбатан ғазабимиз келди. Фарзанд қадрига етмай ўзини ўйлаган аёлга минг бор лаънат айтсанг кам. Замонамизда Муҳаррамхонга ўхшаган олийжаноб шифокор аёлларимиз бор. Барнонинг саломатлиги учун ўз шифокорлик ва оналик меҳрини аямаган бу аёлга таҳсинлар айтамиз. Бу аёл Барнонинг келажакда бахтли инсон бўлиб камол топишига сабабчи бўлиб қолади, деб ишонамиз.

Барнохонга қараб шундай дегимиз келади. «Сен ўксинма, атрофингда меҳрибон кишилар жуда кўп».

Т. МАДАМИНОВ, Р. СОЛИЕВ, Б. САФАРОВ;
Жами ўн уч имзо.

●

Биз Барнонинг кўзлари албатта очилиб кетишига ишонамиз. Унга оналик меҳри билан қараган, унинг саломатлиги учун курашаётган шифокор аёлга минг бор раҳматлар айтамиз.

Лекин ўз фарзандини ташлаб кетган аёл ҳар вақт, ҳар қаерда, ҳар кимнинг ҳам бахтига зомин бўлиши мумкин. Бундай аёлларга бизнинг орамизда ўрин бўлмаслиги керак.

РИҲСИЕВА, САИДОВА ва бошқалар — 67-мактаб ўқувчилари.

ЧИМЁН МАНЗАРАЛАРИ

ТОҒЛАР ЧОРЛАЙДИ

РЕПОРТАЖ



Ҳеч Чимёнда бўлганмисиз? Ҳа, дейсизми?! Унинг фусункор жамолидан мафтунлигингизни баён этмоқчисиз, шекилли. Биз ҳам фикрингизга қўшиламиз. Кенг трасса бўйлаб машиналар оқими бир зум тинмайди. Бу ерлар дам олишга кетаётган ҳамшаҳарларингиз. Уларнинг кайфиятлари чоғ, диллари хушнуд. Шунга айтсалар керакда: «Яхши дам — меҳнатга ҳамдам»...

Икки йўлнинг чети кўм-кўк майсаларга бурканган. Баҳор шабадаси ёқимли эсмоқда. Лола қизғалдоқлар кўзга ташланади. Тоқ-қа яқинлашган сайин нафас олиш енгилляшиб бораяпти. Тоғ ҳавоси шундай соф, шундай мусаффоки, ундан тўйиб-тўйиб симиргингиз келади.

Мана, машинамиз Чимёнга кириб келди. Кўзга оппоқ қор ташланади. Қуёш нури таъсиридан аста эриб, тоғ бағрига мангуликка сингиб бораётган қорли чанғи трассалари ойнадек товланади. Чанғичилар ана шу ойна йўллардан елдек учишмоқда. Яқинда бу ерда тоғ-чанғи спорти бўйича катта мусобақалар ўтказилгани яқ-қол сезилиб турибди. Пастда иккита—кичиклар ва катталар чанғи прокати пунктлари ишлаб турибди. Кенг, шинам ва барча қулайликларга эга бўлган меҳмонхоналар, ресторан, ошхона, кафе ва бошқа қулайликлар дам олувчилар хизматида...

Арқон тортилган остма йўлдан дам олувчилар юқорига кўтарилишяпти. Бу осма йўл яқинда фойдаланишга топширилган эди. Тоғ ён бағрида яна бир қурилаётган объект кўзга ташланади. Бу тоғда қор кўчишини назорат этувчи станциядир. Бундай метеорологик станция ўз аҳамияти жиҳатидан бу ерда жуда муҳимдир. Унинг лойиҳасини «Узгипроавтодор» институти коллективи тайёрлаб берган эди. Бино икки қаватли бўлиб, баландлиги 4,5 метргача етади. Станция биносининг гўзал «қомати» тоғ ён бағрига ҳолдек ярашиши, шубҳасиз. Архитекторлар бинонинг лойиҳасини яратишда уни Чимённинг тез ўзгариб турувчан об-ҳавосини ҳисобга олганлар ва уни шунга мослаштирга н л а р. Станция ёрдамида бу ерда дам олувчиларга об-ҳаво қандай бўлишлиги аввалдан хабар қилиниб турилади. Қор кўчишини назорат этувчи бундай станция Совет Иттифоқида ягона ҳисобланади. Бу ҳам бўлса мана Чимёнда қуриляпти.

Куни кеча жамоатчи рассомимиз Б. Штин Чимёнда бўлиб, бу ерда меҳнат қилаётган илғор бунёдкорларнинг портретларини ва қор кўчишини назорат этувчи станция қурилишини қоғоза тушириб қайтди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган расмларда «Чимганстрой» трестига қарашли 1-механизациялашган кўчма колоннанинг 3-разрядли монтажчиси Ж. Рўзибоев, комплекслашган бригада бошлиғи А. Каримов (пастдаги суратда эса қурилаётган станциянинг умумий кўриниши) тасвирланган. Бу пешқадам қурувчилар ресторан, ошхона, осма арқон йўли, меҳмонхона комплекси қурилишларида алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Ҳозирда станция қурилишида ғайраттажмоат билан ишлашиб, смена топшириқларини ортиғи билан бажаришяпти...

Т. ТОШЕВ,
Э. ЗОҲИДОВ,
Чимён—Тошкент.

КОНКУРСГА МАРҲАМАТ

Табиат ва инсон

Ўзбекистон табиатни муҳофаза этиш жамиятининг шаҳар бўлими ҳамда «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишини янада яхшилаш мақсадида «Табиат ва инсон» ижодий конкурсини эълон қиладилар. Конкурс 1983 йил 25 декабргача ўтказилади.

Конкурснинг мақсади ва ғоявий йўналиши — жонажон ўлкага муҳаббат уйғотиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, уларни кўпайтириш ҳақида ғамхўрлик кўрсатишдан иборатдир. Конкурсга юборилган материаллар табиатни муҳофаза этиш жамиятининг шаҳар бўлими президиуми ҳамда «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси ғолиблар учун дипломлар ва мукофотлар таъсис этдилар.

Энг яхши материал автори биринчи даражали диплом ва 125 сўм пул мукофоти билан тақдирланади, иккинчи ўрин учун иккинчи даражали диплом ва 100 сўм пул мукофоти, учинчи ўрин учун учинчи даражали диплом ва 75 сўм пул мукофоти берилади.

Конкурсда барча хоҳловчилар қатнашишлари мумкин.

ТАЙГАДАН ЙЎЛБАРС БИЛАН

Узоқ Шарқдаги кекса овчи Кондрат Шевкунов Уссури тайгасидан катта ўлжа билан қайтди. У ва унинг бригададаги ўртоқлари овлоқ чакалакларда уч яшар йўлбарс изидан борди, сўнгра уни тутиб олди.

Вазни юз эллик килограммга яқинлашадиган ва Хабаровск зоокомбинатига келтирилган кўркам йўлбарс К. Шевкунов 45 йиллик қийин ва хатарли иши мобайнида тутган йўлбарсларнинг энг каттасидир.

(ТАСС).

ҚАТРА

ШАРШАРАЛАР

Баланд қоялардан шаршаралар пастга думалайди. Унинг жўшқинлиги, мусаффолиги тип-тиниқ осмонга қариндошлигидан. Юрагим унинг жозибали оҳангидан сармаст. Хаёлимда бутун вужудимни оний лаҳзалар сеҳрлаб олгандай.

Она табиат кўз ўнгимда шаклланади. Бу оламда ҳаракатсиз нарсанинг ўзи борми: Йўқ! Мавжудотнинг собит қолиши ҳеч мумкин эмас. Ақалли ҳўв, осмон ҳам. Ахир туну-кун тўнтарилган денгиздай чайқалиб туради-ку, ахир. Юксак-юксакликка санчилган ҳўв анови тиғли қоя-лар... қоялар!

Шаршаралар! Улкан қоялардан яшиндек ялтираб, тўлқин уриб оқаётган шаршаралар. Улуғворликда инсон каби довон ошяпти, довон. Лекин зиллоллиги, софлиги ҳаммма вақт ўзи билан ҳамроҳ. Инсон қалби унинг зилоллигига, мусаффолигига туташиб кетган. Шаршаралар эгнидаги оғир юки, денгиздек жўшқин кучи билан довонларни, чексиз манзилларни босиб ўтиб қирғоқларга, далаларга яшилликни, ҳушбўйликни сочиб оқади! Жўшқинлиги инсон қалб қўридан отилаётган меҳр шаршаралари. Айтинг шаршаралар, жўровозлигингизга қандай куй басталай? Инсон меҳру муҳаббатининг нозик торларини чертсам ўша куй тараладими?

Во ажаб, бу орзу қанақа мўъжиза!.. Мен оҳиста ортга чекинаман. Қандайдир бир буюклик суратини қалқитиб, томирларимда аллақандай шаршаралар жўш уради. Кўзлардаги нур бўлиб, онаизор сари талпинаётган гўдакнинг юксакликни қучмоқчи бўлган лаҳзасини эслатади... Шаршаралар!. Ўйлаб қоламан, улар қояларнинг пешона терлари эмасми?

Нуъмон ЭШХЎЖАЕВ.

Сирли суҳбат.

С. Маҳкамов фотоэтюди.

ТОШКЕНТ ТАРОНАСИ КОНКУРС

*

«Тошкент оқшоми» ҳажв дафтаридан

САТТОР

(МАСАЛ)

Мевага ишқибоз ҳамсоям Саттор
Кади нок ниҳолин ўтқазди баҳор.
Кўз очсаки ниҳол, кўринмас осмон,
Қулоч етмас ёнғоқ —мисли соябон.

Кўрмайин ёз бўйи тангадек офтоб,
Бўлди барглариниг ранг-рўйи зардоб.
Йиллар ўтди, йиллар. Ҳамон зиғирак.
Шохлари худди қил, бўйиндир чиллак.
Кўрмагач ҳосилдан Саттор асар ҳам,
Хашаги ўт олди, елпиди алам:
«Бу, ўзи нок эмас, жиғилми, юлғин,
Ҳафсалам пирдир ҳар кўрганда турқин!
Зоти нок бўлсайди ўтқазилган дам,
Тўларди шу куида нокка ертўлам.
Эсиз шунча вақт, эҳ, шунча машаққат!
Кўчат берганни, эҳ чақирсин лаҳад!»

⁂

Нодон дастига ким тушур, ҳоли вой.
Уруғ дон берурми соз бўлмаса жой?!

ТОВУҚ БИЛАН ГОВМИШ

Ич-ичидан хўжасига айтиб олқиш,
Терт ер эди охиридан тарғил Говмиш.
Катагидан чипор Товуқ қақолади,
Ўзини нақ кони гавҳар баҳолади.
Сўнг чиқди-да хўроздайин тўкиб савлат,
Титкилади охирдаги тертни парт-парт.
Авжга мингач Товуқнинг терт титкилаши,
Думи билан селпди Говмиш келиб ғаши.
«Мен, ахир, вей, туғадирман ҳар кун тухум,
Менинг туққан тухумларим уюм-уюм!..»
Миқ этмади Говмиш унинг бу гапига
Тегса ҳамки чиртиллаши асабига.
Товуқ баттар қақолади бўйнин чўзиб,
Қақолади кетгудайин пати тўзиб:
«Билиб қўй, вей, ким эканим элда довруқ,
Дерлар, еттн хазинанинг бири — товуқ.
Фаҳминг бўлса, етар эдинг қадримга сал,
Мол зотининг фаҳми йўқ-да ўзи азал».

* * *

Манманликни кўриб Товуқ қилиғида,
Говмишгина кулиб қўйди мийнғида.

Ямин ҚУРБОН.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА

СОВЕТ—АФҒОН ДЎСТЛИГИГА БАҒИШЛАБ

Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтида студентёшларни совет ватанпарварлиги, пролетар интернационализм ва халқлар дўстлиги руҳида тарбиялашда халқ университетлари билан бир қаторда турли хил лекторийлар ҳам катта роль ўйнамоқда. Маълумки, ҳар йили институт профессор-ўқитувчилари чет эл мамлакатларида турли командировкаларида бўлиб қайтадилар. Филология фанлари доктори, профессор Абдузуҳур Абдуазизов Афғонистон Демократик Республикаси Кобул университетининг филология факультетида умумий тилшунослик фанидан икки йил дарс бериб қайтиб келди. У университет ўқитувчи ва студентлари орасида илмий-тадқиқот ва оммавий-сиёсий ишларни олиб борди, ўқув программаси ва дарсликни нашр этишда қатнашди, йигирма яқин илмий-методик мақолалари журнал ва газеталарда чоп этилди. Намунали хизматлари учун Афғонистон Демократик Республикаси олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг ташаккурномалари билан қатнашди.

Куни кеча институт профессор-ўқитув ч и лари билан «Билим» ж мияти Чилонзор район ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган икки йиллик «Халқлар дўстлиги» халқ университетининг навбатдаги машғулоти совет—афғон дўстлиги мавзуига бағишланди. Бунда профессор А. Абдуазизов Афғонистон Демократик Республикасига қилган сафаридан олган таассуротларини гапириб берди. Шундан сўнг, «Афғонистон: революция давом этади» ҳужжатли фильми намойиш этилди. Халқ университетининг икки юздан зиёд тингловчиларида совет—афғон дўстлигига бағишланган машғулот катта таассурот қолдирди.

С. РИЗАЕВ.

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

28 АПРЕЛЬ, 1983 й.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/IV да **Риголетто**, 29/IV да **Бир антли балетлар**, 30/IV да **Фауст**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/IV да **Бой ила хизматчи**, 29/IV да **Абу Али ибн Сино**, 30/IV да **Рўё**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/IV да **Тўйдан олдин томоша**, 29/IV да **Хизматингизга тайёрмиз**, 30/IV да **Мангулик**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА «ЕТТИ АЖОИБ МАСҲАРАБОЗ» — **Москва** циркининг томошалари (19.30).

КИНО

28 АПРЕЛДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ВАСИЛИЙ БУСЛАЕВ» — **Фестиваль** (ёзги, 21.20; телефон 32-78-01), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-06-01), **Санъат саройи** (тоқ соатларда, телефон 44-21-74).

КАЗАКЛАР ЗАСТАВАСИ» — **Хива** (21.20, телефон 32-78-02).

«ГРАЧЛАР» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ЕРУГЛИК ФОРМУЛАСИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«ЭРКАКЛАРНИ АВАЙЛАНГ» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«АЁЛЛАРНИНГ ҚУВОНЧ ВА ҚАЙГУЛАРИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«ПОЛИЦИЯ КОМИССАРИ ВА КИЧКИНТОЙ; «РЕВАНШ» — **Москва** (11, 14, 17, 20.30, телефон 33-05-01), **Санъат саройи** (11, 12, 13.30, 14.30, 16, 17, 18.15, 19.30, 20.30, телефон 44-21-74), **Дружба** (11, 12, 14, 15, 18, 20, 21.00, телефон 66-15-75), **Восток** (11, 14.30, 17, 21.00, телефон 91-14-61).

«ШАҲАРНИ ЕПГАН КИШИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«СОЯБОН ЗАРБИ» — **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66).

29 АПРЕЛДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

ВАСИЛИЙ БУСЛАЕВ» — **Фестиваль** (ёзги, 21.20, телефон 32-78-02)) **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-06-01), **Санъат саройи** (тоқ соатларда, телефон 44-41-74).

«КАЗАКЛАР ЗАСТАВАСИ» — **Восток** (тоқ соатларда, телефон 91-14-61).

«ГРАЧЛАР» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ЕРУГЛИК ФОРМУЛАСИ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ПОЛИЦИЯ КОМИССАРИ, ВА КИЧКИНТОЙ; «РЕВАНШ» — **Дружба** (11, 12, 14, 15, 18, 20, 21.00, телефон 66-15-75), **Восток** (11, 14.30, 17, 21.00, телефон 91-14-61).

«ШАҲАРНИ ЕПГАН КИШИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«ТЕҲРОН — 43» — **Санъат саройи** (12, 14.30, 17, 19.30).

«УЙЛАНГАН БЎЙДОҚ» — **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«КЕЧИР, АРУНА» — **Тинчлик** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 53-86-07).

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИ ВА ПЕДАГОГЛАР

ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА»НИНГ КИТОБ МАГАЗИНЛАРИГА «КОЛОС» ВА «ПЕДАГОГИКА» НАШРИЁТЛАРИ

1984 ЙИЛДА ЧИҚАРАДИГАН АДАБИЁТЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ БЕРИЛГАН ТЕМАТИК ПЛАНЛАРИ КЕЛДИ.

Планларнинг биринчи қисмига хусусий харидорлар ва ташкилотларнинг олдиндан берадиган буюртмалари асосида тиражи аниқланадиган нашрлар киритилган.

Планларнинг учинчи қисмига обуна бўйича 17-«Обуна нашрлари» (Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 7-уй) магазини орқали тарқатиладиган нашрлар киритилган.

Обуна расмийлаштирилаётган пайтда китобнинг тўла баҳоси тўланади.

Обуна квитанция билан расмийлаштирилади.

Адабиётларнинг магазинга келганлиги ҳақида Сизни обунани расмийлаштириш вақтида қолдириб кетилган почта открыткаси билан хабардор қиладилар.

ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ БАЙРАМ КУНЛАРИДА

30 АПРЕЛЬ — 2 МАЙ, 7—9 МАЙ КУНЛАРИДА ДАМ ОЛИШ УЧУН

«ЧИМЁН» ТУРИСТИК КОМПЛЕКСИГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Туристик комплексда туристик анжомларни прокатга бериш пункти, кутубхона, кино зали, дискотека мавжуд. Арқон-кресло йўли ишлайди.

МАДАНИЙ-ОММАВИЙ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛАДИ.

Путёвкаларни қуйидаги адресдан сотиб олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 44-уй. Телефонлар 33-67-03, 33-10-55, 32-34-40.

ТВ

28 АПРЕЛЬ—ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Кувноқ нотачалар». 18.15 «Шахмат мактаби». Разрядлилар синфи. 19.45 «Миллионлар ленинча университети». «Инсоннинг маънавий дунёси». «Коллеж ва шахс». Кострома областидаги «Судиславский» совхози намунасида. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Ишлар адреслари». 19.45 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Мешчерин раҳбарлигидаги электр-чолғу асбоблари ансамблининг концерти. 20.15 «Ўз уйингни топ». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группаси командаларининг матчи. ГФРдан олиб кўрсатилади. Танафус пайтида — «Агар соғлом бўлай десанг». 00.30 «Дунё воқеалари».

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Ишлик» студияси кўрсатади. «Комсомол менинг тақдиримда» (такрорий, рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Тошкент лавҳалари». Манзарали фильм. 19.55 «XIX аср охири ва XX аср бошларида француз санъати» (такрорий). 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевиденнеси ва радиоси камер оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Қишлоқда бригада пудратига — кенг йўл». Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. Уркинбоев иштирокида телематбуот конференцияси. 22.40 «Экранда кинокомедия. «Ғаройиб бола».

II

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 19.20 «Бизнинг бош мухбиримиздан» (рус.). 19.50 «Куртат». Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Реклама. 20.40 «Саломатлик шаҳри». Телефильм. 20.50 Эстетика асослари. Ҳозирги замон буржуа реакцион санъати ва эстетикаси. 21.30 МТ II.

29 АПРЕЛЬ—ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Буратино кўргазмаси». 10.05 «Ўз уйингни топ». Телевизион бадиий фильм. 11.15 Икки марта Қизил Байроқли А. В. Александров номли Совет Армияси академик ашула ва рақс ансамблининг концерти. 12.15 «Мен—ўнинчи». Ўт ўчирувчилар иши ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 12.45 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Беш йиллик —ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар: «Ечимини таклиф этаман». «Олтин новда». «Автосервис: муаммолар ва изланишлар». 16.20 Вьетнам Социалистик Республикаси артистларининг чиқиши. 16.40 «Олимлар —Подмосковьенинг аграсаноат комплексига». 17.10 «Кувноқ стартлар». 17.55 В. Маяковский. «Жуда соз». Поэма.

18.55 «Меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш . тўғрисида СССР Қонун лойиҳасини муҳокама қиламиз». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группаси командаларининг матчи. ГФРдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Кинопанорама». 23.35 «Дунё воқеалари». 23.50 Болгар эстрадаси артистларининг концерти.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 Болалар учун қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар: 2-«В» даги қасоскорлар», «Ҳамма нарсани биладиган дўстим «Кнопик», «Салом, Пушкин». 19.45 Халқ чолғу садолари. Балалайка. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Сиз яратган боғ». 21.15 «Ярослав Гашекнинг саргузаштлари». Йозеф Швейкнинг ҳикояларида». Ҳужжатли фильм. «ЦСДФ» ва Прагадаги ҳужжатли фильмлар студияси. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Минск) — «Металлист». Минскдан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 «Ишлик» студияси кўрсатади. «Студенческий меридиан» журнали — бизнинг меҳмонимиз. 18.25 «Тошкент байрам арафасида». 18.55 Ҳамза номли Тошкент Давлат музика билим юрти рус халқ чолғу оркестрининг концерти. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Машинист Маъруповнинг тараддуди». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 20.05 «Дунё воқеалари». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Муножот». Б. Давидова куйлайди. Фильм-концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Санъат усталари». СССР халқ артисти Галия Измайлова (рус.). 23.25 Янгиликлар.

II

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Абитуриентлар учун. Физика. 19.20 «Янги марралар сари» (рус.). 19.50 «Безакнинг яратилиши» Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.). 20.40 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия. 21.30 МТ II.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА МОСКВА ЦИРКИНИНГ

«ЕТТИ АЖОИБ МАСХАРАБОЗИ»

ПРОГРАММАДА репризлар, клоунадалар, интермедиялар, антрэ, попурри.

Программага Олег СОКОЛ иштирокидаги Ленинград цирки ВАРЬЕТЕСИ жўр бўлади.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 11, 14, 17.00 да бошланади.

Касса соат 10 дан 20 гача ишлайди.

Олдиндан билет сотиш кассаси очилган.

44-35-91 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи олдидан

2 МАЙ СОАТ 16.00 ДА

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КУРИГИ-КОНКУРСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон халқ артисти Гулшод ОТАБОЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Абдуқодир ЮСУПОВ, Фарҳод МУҚИМОВ, Абдурашид МУСТАФОҚУЛОВ, Новвотхон ЖЎРАЕВА, Раҳима НОСИРОВА, Клара ХЎЖАЕВА, Нодира МУМИНОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

ПРОГРАММАНИ —Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғуломжон ТОЖИАЪЛОЕВ олиб боради.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери—Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қодир МУМИНОВ.

Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

КУРТКА—МАВСУМИЙ ХАРАКТЕРГА ЭГА БЎЛМАГАН ЭНГ ҚУЛАЙ КИЙИМ

«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИ

Самарқанддаги 8-Март тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида сунъий мўйнадан тикилган

КУРТКАЛАРНИ

ХАРИДОРЛАРГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ



Бу уст кийимининг қуйидаги афзалликлари бор:

— нам ўтмайдиган материалдан тикилади;

— модага мослаб тикилади;

— сунъий мўйнадан тикилган ечиб қўйиладиган иссиқ астар курткани бир оз салқин баҳор ва куз кунларидагина эмас, совуқ қиш кунлари ҳам кийиш имконини беради.

Савдога бўйи баланд ва паст кишилар учун мўлжалланган 46, 48, 50-размердаги курткалар олинди.

Баҳоси —114 сўмдан 120 сўмгача.

Курткаларни Навоий кўчаси, 18-уйдаги 1-магазиндан сотиб олиш мумкин.

Ана шу магазинга Сиз 7, 8, 11, 15, 16-трамвайларда, 1, 4, 18-троллейбусларда, 28, 64-автобусларда боришингиз мумкин, метронинг «Пахтакор» станциясида тушасиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА -КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ.

САБЗАВОТ ЯРМАРКАЛАРИГА МАРҲАМАТ!

28, 29, 30 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

район ва умумшаҳар (Дзержинский номли майдонда)

САБЗАВОТ ЯРМАРКАЛАРИ ИШЛАЙДИ

Ярмаркалардан ҳар куни картошка, оқ ва кўк пиёз, бодринг, саримсоқ, редиска, тузланган карам, лимон, ошқўклар, кашничч харид қилиш мумкин.

ЯРМАРКАЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

Юнусобод бозори;

Метронинг «Чилонзор» станцияси;

Фарҳод бозори;

Тўқимачилик комбинати;

Қорақамиш массиви (бозор);

Октябрь бозори;

Трактор заводи бозори;

1-«Қорасув» массиви (бозор);

Авиасозлар шаҳарчаси (жамоат савдо маркази).

Сергели (бозор);

Кўк бозор.

Ярмаркалар соат 9.00 дан 20.00 гача ишлайди.

«ТАШПЛОДООВОШЧ».

САБЗАВОТЛИ КОНСЕРВА

Бу консерваларда саломатлик учун фойдали зарур моддалар бўлади. Сабзаватларда минераль тузлар, углеводлар, витаминлар бор.

Катталарнинг ҳам, болаларнинг ҳам таомида албатта, табиий ёки консервалланган савзавот бўлиши керак. Улар таомларни ранг-баранг қилиш билан бирга нонушта ёки кечки овқат тайёрлашга кетадиган вақтингизни тежайди.

Қуюқ таомларга гарнир сифатида бақлажон ёки қовоқ икраси солинса у яхшада мазали ва тўйимли бўлади.

Янги бақлажон ва қовоқ дан тайёрланган икра жуда мазали, ҳуштаъм, фойдалидир.

Бақлажон ва қовоқ икраларини Сиз

«ГАСТРОНОМ»лардан СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

1 — Муқимий кўчаси, 3-уй.
4 — Б. Хмельницкий кўчаси, 18-уй.
6-«Универсам» — Чилонзор массиви, 9-уй.
7-«Универсам» — Олмазор кўчаси, 165-уй.
16 — Волгоград кўчаси, 57-уй.
18 — Високовольт массиви, 101-уй.
23 — Новомосковская кўчаси, 17-уй.
30 — Луначарский шоссеси.
33 — Марказ-4, 20-уй.

«ГАСТРОНОМ» республика конторасы.

ЯХШИ ТУФЛИ— ҚУЛАЙЛИК ВА КУРКАМЛИК, ЕНГИЛ ВА ЗАМОНАВИЙЛИК, МОДАГА МОС ПОШНА ДЕГАН ГАП

ГУМ

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА

Ўзбекистон ва бошқа иттифоқдош республикаларнинг пойафзал корхоналарида ишлаб чиқарилган баҳорги ва ёзги пойафзалларни

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ёзги, лакланган, пошнаси ўртача туфлилар. Размери — 36 дан 39 гача. Баҳоси — 27 сўм;

ёзги, хромланган, полиуретан тагчармли, баланд ва ўртача пошнали, турли рангдаги ва размердаги туфлиларни. Баҳоси — 27 сўм 80 тийин.

турли рангдаги ва размердаги ёзги, лакланган, баланд пошнали туфлиларни;

қора рангдаги тагчарми полиуретан, ёзги, баланд пошнали хром туфлиларни. Размери турлича. Баҳоси— 40 сўм;

ёзги қора рангдаги, лакланган баланд пошнали туфлиларни, Размери 37 дан 39 гача. Баҳоси — 38 сўм;

усти матодан, тагчарми полиуретан панталетларни. Размери—37 дан 40 гача. Баҳоси — 20 сўм;

таглиги яхлит чармдан ишланган чарм панталетларни. Размери— 37 дан 39 гача. Баҳоси— 15 сўм.

ГУМГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ГУМ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

---

216 ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—84 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

пўлат ва темир-бетон конструкциялари монтажи бўйича монтажчи, ғишт терувчи, қурилиш дурадгори, дурадгор, қўлда пайвандлаш электр пайвандловчиси, қурилиш бўёқчиси, слесарь-сантехник (ички коммуникацялар), арматурачи-бетончи.

Ўқиш муддати: 8 синф ҳажмида маълумот билан — 3 йил, 10 синф ҳажмида маълумот билан — 1 йил ва 6 ой.

БИЛИМ ЮРТИГА ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ.

Билим юрти битирувчилари ўрта маълумот ва билим юртини тугатгани ҳақида диплом оладилар.

Ўқиш вақти меҳнат стажига киради.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

8 синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар овқат, кийим-кечак ва махсус кийим билан; 10 синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар билим юрти бюджетидан ойига 30 сўмдан ва ишлаб чиқаришдан 40 сўмдан стипендия билан таъминланадилар. Булардан ташқари, ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида ишланган маблағнинг 50 проценти тўланади.

Билим юртида касблар бўйича тўгараклар, техника ижодкорлиги, тасвирий санъат, фото, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, спорт секциялари ишлаб турибди.

Билим юртида ўқувчилар учун «В», «С» категорияси бериладиган, автомобилни бошқаришни ўрганиш 6 ойлик курслари очилган.

Имтиёзли диплом олганлар олий ўқув юртларига ўрта умумтаълим мактабларини олтин медаль билан битирганлар учун белгиланган имтиёзли шартларда қирадилар.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, 4 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда).

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9 дан 17.00 гача ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви (25, 28, 29-трамвайларнинг «Сўнгги» бекати).

Ўзбекистон ССР **Ҳунар-техника таълими давлат комитети**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ БАЗАСИДАГИ

247-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Карамелчилар, шоколадчилар, конфетчилар, кондитер (қандолатчилар), новвойлар — тандир нони ва булочка пиширувчилар, лаборант-химиклар, автоматика ва контроль-ўлчов ремонти бўйича слесарь. Саноат ускуналарини созловчи слесарь (нон ва пиво заводлари учун), холодильниклар ремонти бўйича созловчи механиклар, қурилиш бўёқчилари.

8—10-синф ҳажмида маълумотли, 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар ҳамда Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганлар қабул қилинадилар.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга қабул қилинганлар 3 йил ўқийдилар ва тўлиқ ўрта маълумот ҳамда касб тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар уч маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

10-синф ҳажмида маълумотлилар 1 йил ўқийдилар ва ойига 30 сўм стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишланган иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишга юборилади. Билим юртини битирганлар танлаган мутахассислиги бўйича Тошкент нон корхоналарида, кондитер-булочка комбинатида, «Ўртоқ» конфет фабрикасида ва Тошкент пиво корхоналарида ишлайдилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ёзилган ариза, аттестат ёки 8-синфни тугатганлиги тўғрисида гувоҳнома, характеристика, справкалар: медицина (286-форма), турар жойидан, 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмда).

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) **СОАТ 9.00 дан 17.00 гача ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Истиқбол кўчаси, 3-уй (автобуслар: 68, 133, 106, 15, 45, 127, 23, 81; 5-трамвайнинг «Қўйлиқ» бекати). Телефон 90-36-69.

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП. Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-56-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-55-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

28 АПРЕЛЬ. 1983 й. Р— 01941. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690.